

Россиянинг XIX Аср 80 – Йилларида Ўрта Осиё Ва Афғонистонда Олиб Борган Иқтисодий Сиёсати

Жалилов Абдумаруф

Бухоро давлат университети магистранти

Россия ип-газлама фабрикаларининг хом-ашё олишига тўхталадиган бўлсак, XIX асрнинг 2-чорагида Европа чегарасига асосан пахта ва пахта ип олиб кирилган ва фақатгина жуда кам қисми шарқий ўлкалардан бўлган. 1825 йилда Россияга 285 минг пуд йиғирилгин ип, улардан 258 минги Европа чегараларидан ва 27 минги шарқий ўлкалардан эди. 1830 йилда Россияга 450 минг пуд ип-газлама киритилган бўлиб, улардан 418 минги Европадан ва фақатгина 32 минг пуди шарқий ўлкалардан келтирилган. Худди шундай ҳолат пахта хом-ашёси импортида ҳам кузатилади. Агар Россияга 1825 йилда 62 минг пуд пахта киритилган бўлса, унда 39 минги Европадан, 23 минги эса Осиёдан киритилган. 1830 йилда 116 минг пуд, шундан 85 минг пуд Европадан, 31 минг пуди эса Осиёдан эди.

Россия товарлари экспортининг кўпайиши асосан Афғонистонга бориш учун ўтиладиган давлатлар билан белгиланади. Россия товарлари Волга, Каспий денгизи бўйлаб шимоли-ғарбий Эронга, ундан эса Афғонистонга борган. Шарқ ўлкалари билан савдода Нижней Новгороднинг роли бир мунча тушишига қарамай¹, бу йўл Россиянинг Эрон, Ўрта Осиё ва Афғонистон билан иқтисодий алоқаларида муҳим роль ўйнади. Улкан сув артерияси – Волга – Россиядан Шарқ ўлкаларига бориладиган асосий йўл бўлиб қолди. “Шварцвальддан бошланиб Буюк Новгороднинг кумли тепаликларида тугайдиган, денгизлардан четдаги худудлар Қора ёки Каспий денгизига қуйиладиган дарёлар билан суғорилади. Дунай ва Волга, Европанинг бу икки гигант дарёлари, Днестр, Днепр ва Дон – буларнинг барчаси денгизга узок бўлган худудлардан маҳсулотларни Қора денгизга етказиб берадиган табиий каналларни ҳосил қиладилар; биз Қора денгиз дея айтдик, чунки Каспий денгизига фақатгина Қора денгиз орқали бориш мумкин”¹.

20-йилларнинг бошлари 30-йилларнинг охирида Россия ва Эрон орасидаги савдонинг жонланиши нафақат Волга бўйлаб арзон мол етказиб берилиши, балки Россия саноатининг сезиларли ривожланиши, ҳамда рус-эрон савдосига фойдали шароитларни яратган Туркманчой ва Гулистон битимларининг тузилиши билан белгилинади. Аммо бу битимларнинг тузилиши рус-эрон савдосининг фақатгина қисқа муддатли кенгайишига олиб келди.

Европа савдогарлари томонидан Трапезунд орқали Эронга очилган янги йўл рус-эрон савдоси алоқаларига зарба берди. 30 йилларгача Европанинг Эрон билан савдоси Эрон кўрфазларидан, Константинополь ва Европа товарларига тақиқловчи таъриф ўрнатилгунга қадар Россия орқали Туркия бўйлаб қуруқ айланма йўллари орқали олиб бориларди. Европа молларининг айланма йўл орқали олиб келиниши уларнинг нарҳини ошириб юборарди, бу эса Россия товарларининг Европа товарлари билан рақобат қила олишига имконият яратарди.

Афғонларнинг савдо операцияларида иштироки Ҳиндистондан Ўрта Осиё ва Эронга йўналган савдо йўлларининг кўчувчи йўналишларини мос келиши эди. “Афғон қабилалари

¹Ражкова М.К. Экономическая политика царского правительства на Среднем Востоке во второй четверти XIX века и русская буржуазия, М., 1979, стр. 19-35.

¹Соколов А.Я. Торговая политика Россия в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. Т., Фан. 1971. стр.39.

нафақат ўзларининг асосий машғулоти – чорвачиликни уруш билан бирга олиб бордилар, балки Ҳиндистон ва унинг ғарбий қўшнилари орасидаги эрон карвон савдосида муҳим роль ўйнади. Бунда уч вазият ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Биринчидан, ўрта асрларда асосий ҳинд куруклик савдо йўллариининг айнан Афғонистондан ўтганлиги. Иккинчидан, савдо карвонларининг ҳаракати ўша йўналиш ва асосан айрим афғон қабилалари ўз чорваларига озуқа излаш мақсадида йилда икки марта кўчманчилиқни амалга оширган йўллардан ўтган. Учинчидан, кўплаб яхши қуролланган ва қариндошлиқ ришталари билан боғланган афғон кўчманчи савдогарларининг бирлашуви Ҳиндистонни Ўрта Осиё ва Эрондан узоқлаштириб турувчи тоғ ва чўл йўлларида карвонларга хавф солувчи тўсиқ (бошқа қабилалар, қароқчи тўдалар, алоҳида феодаллар в.б. ларнинг ҳужумлари) ва барча қийинчиликларни енгиш имкониятига эга эдилар”¹.

Кўчма савдо жараёнида, аввало, табиийки биринчи навбатда уруғ ва қабилаларнинг бошлиқлари бойиганлар. Мустақил савдо олиб бориш имкониятига эга бўлмаган афғонлар ҳинд судхўрлари ва савдогарларига қарам эдилар². Улар бу қарамликдан фақатгина афғон феодал давлатининг тузилишидан кейингина қутилдилар. Бу вақтга келиб айрим афғон савдогарлари йирик капиталга эга эдилар. Эльфинстоннинг маълумотларига қараганда, XIX асрнинг бошларида улар орасида 3000 ф. стерл. га эга бўлган бир қанча савдогарлар бор эди. Файз Муҳаммадхоннинг хабар беришича, дурронийлар ҳукуматида, бобурийлар авлодидан Нур Муҳаммадхон бўлган энг бой одам эди.

Ижтимоий тенгсизлик шу нарсагаолиб келдики, ўз воситаларига эга бўлмаган афғон кўчманчиларининг бир қисми ташувчи ва бегона карвонлар молларини қўриқловчиси сифатида чекланишга мажбур эдилар. Айрим ҳолларда, улар тўпланиб товар олганлар ва уларни битта туяга ортиб олиб келишган. Павинда карвонлари билан саёҳат қилган Мессоннинг аниқлашича, товарларнинг асосий қисми Халимзода бойга тегишли бўлиб, бечора камбағаллар ўртада пул йиғиб нарса олганлар.

Афғон феодал давлати ташкил топганидан сўнг, афғон савдогарлари маълум бир вақт давомида ҳинд товарларига боғлиқ бўлиб қолишда давом этганлар, аммо секин – асталик билан мустақил бўлишга интилишлари намоён бўла бошлади. Шакарпурлик савдогарлардан мустақил бўлишга ҳаракат қилишга интилиб, улар Россия билан боғлиқ бўлган бухоролик савдогарлар билан уюша бошладилар. Айрим афғон савдогарлари бухоролик савдогарлар билан биргаликда макарев ярмаркасига борганлар.

1831 йилда Ўрта Осиёда бўлган Мохан Лал бухоролик савдогар Сарвархон билан ҳамкорликда Москвадан қайтаётган қобулик савдогар Раҳимхонни Бухорода учратади. Улар у ерда 34 минг рупийга кашмир шойисини сотиб, 50% (17 минг рупий) соф фойда олганлар. Н.В.Ханыковнинг фикрича, айрим афғон савдогарлари Россия товарлари Афғонистонга Ўрта Осиёдан олиб келинган.

Ҳиндистон ва Афғонистон орасидаги савдо йўллари карвон йўллари эди: фойдалироқ сотиш мумкин бўлган жойларга савдогарлар молларини ўзлари олиб борганлар. Бундай савдогарлар аҳолиси 5 минг 16 минг туяга эга бўлган ташландик ерларда жуда кўп эди.

Келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, афғон савдогарлари Россия ва Ўрта Осиё билан савдо ишларини олиб борганлар. Воситачи бўлган савдогарлар Ўрта Осиё ва Афғонистон бозорларида инглиз-рус рақобатида иштирок этганлар.

У пайтда рус савдогарлари Ўрта Осиё ва Афғонистон бозорига кириш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Бироқ, ўрта осиелик, эронлик, афғонистонлик ва ҳиндистонлик савдогарларнинг воситачилик фаолияти инглиз товарлари билан рақобатлаша олган Россия товарларининг Осиё хонлиқлари ва Афғонистонга кириш имкониятини таъминлаганлар. Инглиз ҳукуматида махсус доклад қилган Наороджи Ферунджи Қобул бозори ҳолати ҳақида шундай ёзган:

¹Соколов А.Я. Торговая политика Россия в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. Т., Фан. 1971.стр 41

²Ўша жойда 42 б

“Қобул бозорида тузем товарларига қўшимча тарзда Буюк Британия, Россия ва Ҳиндистон товарлари ҳам сероб. Улардан энг кўпини Россия етказиб беради”. Бу ҳужжат давомида муаллиф Қобулга келтирилган Россия товарлари рўйхатини келтиради.

“Қобул олтинни Россиядан, бу ерда у шаклига муносиб “будка” деб юритиладиган дукат шаклида олади. Қобулда уларнинг қиймати 10 шиллиндан 40 шиллинггача фарқ қилади. Улар импорт учун 1% ва экспорт учун 1-1/4 % миқдорда бож тўламаслик учун контрабанда йўли билан олиб кирилади. Пичоқчилик моллари, қулф, игна, тўғноғич, чиннидан ясалган майда буюмлар ҳар доим мавжуд. Олиш мумкин бўлган ягона қоғоз, сифатининг аҳамияти йўқ. Россиядан келтирилган чой жуда юқори баҳоланади ва юқори нарҳларда, бир фунти учун 14 шиллинг, сотилади. Паст сортлари арзонроқ сотилади, улар Ҳиндистон ва Панжобдан келтирилади. Россия ип-газлама маҳсулотларини ҳам жўнатади, айниқса, чит, майин мовут, рангловчи воситалар, айниқса, айримлар томонидан нотўғри тарзда зар ип билан аралаштириладиган ва ёрқин малина ранг берадиган “кермиз”; патнис, ошхона буюмлари ва шунга ўхшаш уй-рўзғорда ишлатиладиган темир товарлар; олтин, сариқ мис ва темир сим”³.

“Ҳарбий статистик тўплам”да Қобул бозорларида Россия товарлари катта ассортиментни мавжудлиги айтилади. “Қобул билан савдо анча кенгқамровли. 1837 йилдаёқ бутун шарқий Афғонистон ва Ҳиндистонга кириб борган Ўрта Осиё ва Россия маҳсулотлари билан тўлдирилган эди”. Кейинчалик мана шундай товарлар рўйхати келтирилган.

Бироқ, Қобул бозорида Россия ва Англия товарларининг ўрни борасида қарама-қарши маълумотларига дуч келамиз. Агар Наороджи Ферунджи Қобулга ҳаммадан кўп товарни Россияга киритганлигини таъкидласа, унда Мохан Лал унга қарши равишда инглиз товарларини таъкидлаб, улар 300 минг рупийга, Россия товарлари эса 200 минг рупийга сотилганлигини айтади. Мохан Лал, Наороджи Ферунджи, Борнс, Эльфинстонларнинг рақамли маълумотлари тўлиқ ишончга олиб келмайди, чунки улар сўров йўли орқали жамланган ва муайян бир ғояни илгари сурадиган эмас. Кўплаб муаллифлар инглиз савдо-саноат доираларини Ўрта Осиё ва Афғонистон бозорларини ўзлаштиришига диққат-эътиборни тортишга ҳаракат қилганлар. Бу давлатларда Россия товарлари устунлигини кўз-кўз қилишда айримлари уларни сиқиб чиқаришга чорласалар, бошқалари Россия товарларини камайтирган ҳолда инглиз товарларини жалб этмоқчи бўлдилар. Эслатиб ўтилган муаллифлар фақатгина Қобул бозорининг аҳволини характерлайдилар ва Афғонистоннинг бошқа кўплаб йирик бозорларида Англия ва Россия товарлари ҳолатини ошкор этмайдилар.

Ўша пайтда Афғонистон ягона давлат эмас, бир неча мустақил хонликларга бўлинганди. Борнс шундай ёзган: “Ҳозирги вақтда Афғонистон сингари қашшоқ давлатда савдо соҳасида катта таъсирга эга битта сарой ўрнига уч ёки тўрттасини кўрамыз”⁴. Қобул хонлигидан ташқари Қандахор, Ҳирот, 1834 йилгача эса Пешовар хонликлари ҳам бўлган. Жанубий Туркистон ҳудудлари ўша вақтда бир қанча мустақил ва Бухоро хонлигига ярим қарашли хонликлардан иборат бўлган. Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари маҳаллий ва қардош халқлари орасида азал-азалдан ўзаро савдо алоқалари мавжуд бўлган.

XIX асрнинг 40-йилларига қадар Россия товарлар йиғиндиси ва ўлчови бўйича эмас, балки номенклатураси бўйича Ўрта Осиё ва Афғонистон бозорларида биринчи ўринда турган. Бу бозорларда товарларнинг ассортименти ҳақида А. Бёрнс шундай дейди: “1816 йилгача бу мамлакат Россияда келтирилган кўплаб предметлар билан таъминланган; аммо шу даврдан бошлаб бизнинг чит матоларимизнинг киритилиши сезиларли ўзгаришга олиб келди. Бу пайтларда Европа саноати маҳсулотлари Ҳинистондан Осиёнинг шу қисмларига катта миқдорда келтирилган. Тахмин қилинишича, чамаси, бу асосиз бўлмаган, Россия матолари

³Соколов А.Я. Торговая политика Россия в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. Т., Фан. 1971.стр39.

⁴ЛяшенкоП. И. История народного хозяйства СССР. Т II. М. 1956. С. 19-24.

нафақат Бухоро, балки Ҳиндиқушнинг жанубидаги ўлкалар, ҳаттоки Қобул ўлкалари бўйлаб ҳам кенг тарқалган”².

1816 йилдан кейин Россия товарларининг Ўрта Осиё ва Афғонистон бозорларидан сиқиб чиқарилганлиги ҳақидаги маълумоти, манбаларнинг кўрсатишича, ҳақиқатга мос келмайди. А. Бёрнснинг ўзи шу ишда “охирги ўн беш йил давомида қобуллиқ савдогарлар Россиядаги ярмаркаларга ҳар йили

боришларини, у ерда ўзбеклар кўпинча арз қиладиган Россия-Бухоро савдосининг катта қисмини уларнинг қўлларига бериб қўйилган қулай вазиятда олди-сотди бўйича кўплаб битимлар тузадилар”¹ деган фикрига ўзига қарши чиқади.

Бёрнс Афғонистон ва Бухоро ўртасидаги жонли савдони ҳам таъкидлаб ўтган. “Бухоро ёки Туркистон савдоси Қобул савдоси билан шундай боғланганки, ўз мулоҳазаларимни яқунлаш учун, аввало, шу бўйича тўпланган барча маълумотларни келтириб ўтишим керак”.

XIX асрнинг 40-йилларига қадар Афғонистон ва Ўрта Осиё бозорларида инглиз товарларининг кўплиги ҳақидаги Бёрнснинг асосиз таъкидлари Губаревич-Радобильский томонидан тасдиқланади. 40-йилларнинг бошида Россия текстил товарлари инглиз товарлари билан рақобатлашганини қайд этса-да, у бу ҳолатни “инглиз читлари (9,2 вершок) Россияниқидан энсизроқ бўлиб, Россия читларининг эни 11-12 вершок бўлганлиги” билан тушунтиради. “Россия чити билан қиёслаганда, инглиз читлари сифатсизроқ бўлгани ва 20 тийин қимматроққа сотилган”.

Шунинг учун ҳам “1840 йилга қадар руслар бу ҳудудда чет эл саноат товарлари савдоси бўйича абсолют монополияга эга эдилар. Россия товарлари Ҳинд ҳудудларигача кириб борган ва айрим ҳолларда, инглиз товарлари олдида афзалроқ эди”².

²Соколов А.Я. Торговая политика Россия в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. Т., Фан. 1971.стр 48-49.

¹БабаходжаевМ.А. Русско-афганские торгова-экономические отнашения во второй половине XVIII-начале XX вв., Ташкент, 1965, С. 39.

²Соколов А.Я. Торговая политика Россия в Средней Азии и развитие русско-афганских торговых отношений. Т., Фан. 1971.стр49 .